

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР  
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА  
БЕРУВЧИ (PhD).40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР  
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

**СИДДИҚОВ ИКРОМЖОН ИМИНЖОНОВИЧ**

**ТАРКИБИДА ФОСФОР-, ОЛТИНГУГУРТ- ВА МЕТАЛЛ САҚЛАГАН  
ЁНГИНБАРДОШ ПОЛИМЕР ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ  
ТАДҚИҚ ЭТИШ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Ёнгин, саноат, ядро ва радиация  
хавфсизлиги**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor (DSc) of technical sciences**

**Сиддиқов Икромжон Иминжонович**

Таркибида фосфор, олтингугурт ва металл сақлаган ёнғинбардош полимер қурилиш материалларини тадқиқ этиш ва технологиясини яратиш..... 3

**Сиддиқов Икромжон Иминжанович**

Исследование и разработка технологии фосфор- серо- и металлсодержащие огнестойкие полимерные строительные материалы..... 31

**Siddiqov Ikromjon Iminjonovich**

Research and development of technology phosphorus - sulfur and metal-containing fire-resistant polymer building materials..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 61

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР  
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА  
БЕРУВЧИ (PhD).40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР  
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

**СИДДИҚОВ ИКРОМЖОН ИМИНЖОНОВИЧ**

**ТАРКИБИДА ФОСФОР, ОЛТИНГУГУРТ ВА МЕТАЛЛ САҚЛАГАН  
ЁНГИНБАРДОШ ПОЛИМЕР ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ  
ТАДҚИҚ ЭТИШ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Ёнгин, саноат, ядро ва радиация  
хавфсизлиги**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/Т294 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.fvvakademiya.uz](http://www.fvvakademiya.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:** **Джалилов Абдулахат Турапович**  
кимё фанлари доктори, академик

**Нуркулов Файзило Нурмунинович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Боходиров Азизбек Абдулазизович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Бекназаров Ҳасан Сойибназарович**  
техника фанлари доктори, профессор;

**Маджидов Иномжон Уришевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Наманган муҳандислик-қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил 31 март соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳар, 100102, Янгиҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5–уй. Тел.: (+99871) 258–56–57, e-mail:info@akademiya.fvv.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Тошкент шаҳар, 100102, Янгиҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5–уй. Тел.: (+99871) 258–56–57, e-mail:info@akademiya.fvv.uz).

Диссертация автореферати 2023 йилнинг “\_\_\_” март куни тарқатилди.  
(2023 йилнинг \_\_\_ кунидаги №\_\_–рақамли реестр баённомаси).

**Б.Т.Ибрагимов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.М.Дусматов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби к.ф.н., доцент

**Р.И.Исмоилов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси т.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда сўнги йилларда табиий ва синтетик оловбардош полимер қурилиш материалларига бўлган эътибор тобора ортиб, замонавий технологиялар асосида қурилган бино, иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бироқ, кўплаб фойдали жиҳатлари билан бир қаторда, антипиренлар билан ишлов берилмаган қурилиш материаллари ёнғин хавфини оширади. Ушбу ёнғинлар, қурилиш материалларни ёнғиндан химоя қилинмаганлиги, ёнғиндан химояловчи оловбардош таркибларни самарадор эмаслиги, уларнинг ёғоч ва полимер материалларига ишлов беришда замонавий технологиялардан фойдаланилмаганлиги каби сабаблар билан боғлиқ. Шунинг учун, қурилиш материалларининг оловбардошлигини оширувчи таркибида фосфор, олтингугурт ва металл бўлган антипиренлар ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг оптимал таркибларини яратиш ва таъсир этиш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда полимер ва ёғоч ва у асосидаги материалларини ёнғинчанлигини камайтириш учун махсус кимёвий қўшимча моддаларни тадқиқ этиш, уларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда самарали кимёвий қўшимчалар сифатида маҳаллий хомашёлар асосида юқори самарадорликка эга, экологик хавфсиз ва арзон олигомер антипиренларни синтез қилиш, конструкцион ва пардозлаш материали сифатида қўлланиладиган полимер ва ёғоч материалларини ёнғинчанлиги ва ёниш натижасида ажралиб чиқадиган захарли газлар миқдорини камайтириш, олтингугурт боғловчиси асосида олинадиган материалларнинг оловбардошлик даражасини ошириш орқали уларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш учун ишлатилиш жабҳаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, улар асосида қурилишда кенг қўлланиладиган ёнғинчан хусусиятга эга бўлган полимер, ёғоч ва у асосидаги материалларни ёнғинчанлиги ва ёниш натижасида ажралиб чиқадиган захарли газлар миқдорини камайтириш мақсадида турли кимёвий таркиблар яратилган ва синтез қилинган бўлиб, мавжуд бино ва иншоотларни ёнғиндан химоялаш йўналишида муҳим натижаларга эришилган. Шу билан бир қаторда, қурилиш материалларининг оловбардошлигини оширишда маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш, янги антипиренлар яратиш ва қўллаш технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этишга қаратилган тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарурати туғилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-139-сон<sup>1</sup>, ва “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-139-сонли қарори.

кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 24 январдаги ПҚ-99-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Полимер, ёғоч ва у асосидаги материалларни ёнғиндан химояловчи антипиренларни амалиётга жорий қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, National Institute of Environmental Health, North American Flame Retardant Alliance (NAFRA), Institute of Environmental Health, University of Dayton Research Institute (UDRI) Center for Flame Retardant Materials, Central Michigan University, Henan Engineering Laboratory of Flame Retardant Materials (хитой), National Engineering Research Center of Flame Retardant (Хитой), Henan Engineering Laboratory of Flame Retardant Materials. Center for Flame Retardant Materials Science KAJIWARA Natsuko National Institute for Environmental (Япония), Medical Research Center of King Abdulaziz University. Japan National Institute of Materials Science (NIMS), Japan Fire Retardant Association, National Boron Research Institute Ankara, Бутунроссия ёнғинга қарши мудофа илмий-тадқиқот институти, Россия авиация материаллари илмий-тадқиқот институти, В.В.Воеводский номидаги Кимёвий кинетика ва ёниш институти, Россия ФВВ Ёнғин хавфсизлиги илмий-тадқиқот институти, Беларусия республикаси ёнғин хавфсизлиги ва фавқулодда ҳолатлар муаммолари илмий-тадқиқот институти, Тошкент кимё технологиялар илмий-тадқиқот институти каби бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда. Дунёда полимер, ёғоч ва у асосидаги материалларининг ёнувчанлик даражаларини пасайтириш, ёниш натижасида ажралиб чиқадиган тутун ва ёнувчан захарли газлар миқдорини камайтириш учун қўлланиладиган юқори самарали антипиренларни синтез қилиш ҳамда технологиясини яратиш бўйича устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнги йилларда дунёда полимер, ёғоч ва у асосида тайёрланган ёнувчан қурилиш материалларини ҳамда буюмларнинг ёнувчанлигини камайтириш, конструктив материал сифатида қўлланиладиган минерал боғловчилар асосидаги материалларни

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.americanchemistry.com>, <https://www.niehs.nih.gov>, <https://udayton.edu> > ctr > frms, <https://brown.edu>, <https://www.cmich.edu>, <https://ccce.henu.edu.cn> > info, <https://english.bit.edu.cn> > labs, <https://ccce.henu.edu.cn> > info, <https://udayton.edu> > centers, <https://www.nies.go.jp> > resear, <https://pubs.acs.org> > doi > abs, <https://www.japanfs.org>, <https://www.jfra.or.jp>, <https://www.researchgate.net>, <https://tekhnosfera.com>, <https://spbftu.ru> > wp-content uploads ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

оловбардошлик даражаларини оширишда М.В.Петрова, Д.А.Корольченко, О.Н.Сивенков, Р.М.Асеева, Е.А.Анохин, М.А.Балакин, С.В.Афанасьев, Б.Б.Серков, В.Ostman, A.Faiz, S.Thelandersson, H.Bailleres, В.М.Нигматуллина, А.Н.Баратов, И.Г.Романенко, Ф.А.Левитес, К.С.Минскер, Б.Э.Геллер, Н.Н.Ксандопуло, В.И.Кодолов, И.В.Ляпунов, З.Виллард, С.Вондра, Т.Уэда, В.Фенимо, С.А.Балтышев, А.Т.Джалилов, Б.А.Мухамедгалиев, Ф.Н.Нурқулов, М.У.Каримов, И.И.Исмоилов ва бошқалар томонидан изланишлар олиб борилган. Улар томонидан ёнғиндан химояловчи турли таркиблар яратилган бўлиб, ёғоч, мато, полимер ва бошқа материалларга антипиренлар таъсир қилиш орқали уларнинг физик-механик ва кимёвий хоссалари ўрганилган. Бироқ, антипирен таъсир этилган ёғоч материалларининг барча ёнувчанлик хусусиятлари, антипиренлар таъсирининг табиий шароитдаги даврийлиги ҳамда уларни ёғоч материаллари билан модификациялашнинг экологик ва иқтисодий самарадор технологиясини такомиллаштириш масалалари янада кенгроқ тадқиқ қилишни талаб этилаётганлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда жадал суратлар билан қурилаётган бино ва иншоотларни ёнғин хавфсизлигини таъминлашда уларда қўлланиладиган қурилиш материаллари ва конструкцияларининг ёнғин хавфини камайтиришда ишлатиладиган чет элдан валюта эвазига келадиган антипиренларни таннархи арзон маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш борасидаги илмий изланишларни янада жонлантиришни тақозо этмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг КА-14-003 “Саноат чиқиндилари асосида олинган ресурстежамкор антипиренлар билан ишлов берилган оловбардош қурилиш материалларини яратиш ва тадқиқ этиш” (2015-2017); МВ-Атех-2018-58 “Янги авлод металлорганик олигомер қўшимчали оловбардош, иссиқлик изоляцияловчи қурилиш материалларини тадқиқ этиш ва технологиясини яратиш” (2018-2020); Тошкент кимё технология илмий-тадқиқот институти режасининг КМ-20192515 “Автомобиль йўллари қурилишида қўллаш учун маҳаллий хомашё асосида модификацияланган серобетон ишлаб чиқариш” (2020-2021) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хомашёлар ёрдамида самарадор полифункционал олигомер антипиренлар яратиш ва улар асосида полимер, ёғоч материалларини ҳамда олтингугурт таркибли бетонларни ёнғиндан химоялашнинг самарадор технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий хомашёлар асосидаги полифункционал олигомер антипиренларни синтез қилиш ва уларнинг ёнғиндан химоялаш хусусиятини тадқиқ қилиш;

яратилган полифункционал антипиренларининг полимер ва ёғоч материаллари теплофизик хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш;

полифункционал антипиренлар билан ишлов берилган полимер ва ёғоч ва материаллари структураси, физик-механик ва кимёвий хоссаларига таъсирини ўрганиш;

полифункционал антипиренлар билан модификацияланган олтингугурт таркибли бетонларни теплофизик ва радиацион хоссаларини ўрганиш;

ёнувчан полимер, ёғоч материалларини ёнувчанлигини камайтириш ва олтингугурт таркибли бетонларни оловбардошлилик даражасини оширишда полифункционал антипиренларнинг оптимал таркибини ишлаб чиқиш;

полифункционал антипиренларни ёғоч, полимер ва олтингугурт таркибли бетонларга қўллашнинг иқтисодий самарадор технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** маҳаллий хомашёлар асосида олинган полифункционал олигомер антипиренлар билан ишлов берилган полимер, ёғоч ва олтингугурт таркибли бетон материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** полифункционал олигомер антипиренлар билан ишлов берилган полимер, ёғоч ва олтингугурт таркибли бетон материалларини физик-механик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида полифункционал антипирен таркибларни яратиш ва физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ этишда инфрақизил спектроскопияси (ИК), рентгенфаза (РФА) ва термогравиметрик (ТГ), рентген таҳлил усуллари ҳамда ёғоч, полимер ва олтингугурт таркибли бетон материалларининг ёнувчанлик ва оловбардош хусусиятларини аниқлашдаги стандарт усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

полимер ва ёғоч материалларини ёнғиндан ҳимоялашда маҳаллий хомашёлар асосида олинган АДЖ маркали 5 та полифункционал антипирен таркиблар ва олтингугурт боғловчи асосидаги бетонларни ёнувчанлик кўрсаткичларини камайтириш учун В1 ва В2 марка модификаторларининг янги маркаларни олиш технологияси ишлаб чиқилган;

полифункционал антипирен таркиблар билан ёғоч материалларига чўтка, пуркагич ва босим остида ишлов бериш орқали олинган ёнғинбардош қурилиш материалларнинг аланга таъсирида масса йўқотиш самарадорлиги 68,9% дан 5,83% гача пасайганлиги аниқланган;

полифункционал антипиренлар билан ишлов берилган полимер ва ёғоч ва материаллари структураси, физик-механик ва кимёвий хусусиятларини инфрақизил спектроскопияси (ИК), рентгенфаза (РФА) ва термогравиметрик (ТГ) рентген таҳлил усуллари ҳамда ёғоч, полимер ва олтингугурт таркибли бетон материалларининг оловбардош хоссалари стандарт усуллардан фойдалаб аниқланган;

таркибида фосфор, олтингугурт ва металл сақлаган АДЖ маркали полифункционал олигомер антипиренлар юқори ҳарорат таъсирида ҳаводаги

кислород билан бирикиши орқали турли оксидлар ҳамда сув буғларни ҳосил қилиши натижасида қурилиш материалларининг оловбардошлик хоссаларини яхшилаш механизми аниқланган;

оловбардошлиликни ошириш мақсадида яратилган В1 ва В2 маркали модификатор асосида тайёрланган олтингугурт боғловчили бетонларнинг физик-механик, кимёвий хоссалари тадқиқ этилди ва уларнинг теплофизик хоссаларини ортишига ҳамда у асосидаги материални ёнувчан гуруҳдан қийин ёнувчан гуруҳга ўтказилиши аниқланган бўлиб, таркибида фосфор-олтингугурт ва металл бўлган олигомер антипиренларни ёғоч қурилиш материалларга босим остида шимдириш технологияси ишлаб чиқилган;

олтингугурт боғловчиси асосидаги материалларни ишлатилиш жабхаларини кенгайтириш, улардан конструктив материаллар сифатида фойдаланиш мақсадида маҳаллий хом ашёлар асосида яратилган В1 ва В2 модификаторлар ёрдамида уларни ёнувчан гуруҳдан қийин ёнувчан гуруҳга ўтказилишига эришилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

полимер, ёғоч ва улар асосидаги ёнувчан материалларининг ёнувчанлигини камайтириш учун полифункционал антипиренларнинг оптимал таркиблари ишлаб чиқилган;

ёғоч асосидаги ёнувчан материалларини ёнғин шароитига чидамлилигини ошириш учун ишлов беришнинг оптимал усуллари ишлаб чиқилган;

олтингугурт таркибли боғловчилар асосидаги бетон материалларини оловбардошлигини оширишда янги таркибли модификаторлар яратилган ва уларнинг 10 ва 15% оптимал таркиблари танланган;

маҳаллий хомашёлар асосида яратилган полифункционал антипиренлар билан ишлов берилган ёғоч материалларини КИ кўрсаткичлари 23 дан 49% гача ортиши, сирт бўйича алангани тарқалиш индекси 50 дан 32% гача пасайиши ҳисобига ёнувчан гуруҳдан қийин ёнувчан гуруҳга ўтказилишига эришилган;

полимер материаллари таркибини полифункционал антипиренлар билан модификациялаш натижасида уларнинг кислородли индекс 53% ортишига эришилган;

олтингугурт таркибли боғловчилар асосидаги бетон материалларини радиациядан ҳимояловчи хусусиятлари 10% га оширилишига ва Ts 16243644-001:2019 “Ёғоч материаллари учун ёнғиндан ҳимояловчи таркиб” Ташкилот стандарти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотларнинг замонавий воситалар ва стандарт усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тажрибаларнинг қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажриба ва назарий тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблигини, ҳамда ишланманинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – яратилган полифункционал олигомер антипиренлар билан ёғоч материалларига ишлов берилганда ёнғин шароитида

ёғоч материали юзасида кислород оқимини ва учувчан ёнувчи маҳсулотларни ушлаб қолувчи шишасимон парда ҳосил бўлиши, ёғоч материалларида водородли боғларини ҳосил қилишни барқарорлаштириши ҳисобига ёнғинга бардошлилик даражаларини ошиш механизми ўрганилганлиги ва яратилган полифункционал олигомер антипиренлар таркибидаги антипиренлик хусусиятини берувчи моддалар ҳисобига ёнғин шароитида, ёғоч юзасида кичик иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентига эга бўлган иссиқликдан ҳимоя қилувчи қатлам ҳосил қилиши аниқланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти–ёғоч ва полимер материалларини ёнғинбардошлигини ошириш учун маҳаллий хомашёлар асосида полифункционал олигомер антипиренлар синтез қилиш, антипиренлар билан ёғоч материалларига ишлов беришнинг оптимал усуллари ва технологиясини яратиш, ёнғиндан ҳимояловчи композицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, олтингугурт таркибли бетонларнинг оловбардошлигини ошириш учун модификатор таркиб яратиш, иқтисодий самарадорликни аниқлаш ва таркибга киритиш технологияси яратилганлиги билан изоҳланади.** Яратилган полифункционал олигомер антипиренлар ёрдамида ёнувчан полимер, ёғоч ва олтингугурт таркибли бетонларнинг қурилишда қўлланилиш даражаларини кенгайтирилиши билан аҳамиятлидир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Таркибида фосфор-, олтингугурт- ва металл сақлаган ёнғинбардош полимер қурилиш материалларини тадқиқ этиш ва технологиясини яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

ёғоч ва полимер қурилиш материалларини ёнғиндан ҳимоялаш мақсадида яратилган фосфор, олтингугурт ва металл сақлаган олигомер антипирен таркиблар “Yong’indan saqlash Buxoro system servis” МЧЖ, Фарғона вилояти Кўнгилли ёнғин ўчириш жамиятига қарашли “O’zbekiston yong’inga qarshi kurashish jamiyati”, ҳамда Хоразм вилояти Хонқа тумани “O’zbekiston yong’inga qarshi kurashish jamiyati” қурилиш материалларни ишлаб чиқариш ва ишлов берувчи корхоналар билан Фавқулудда вазиятлар худудий бўлимлари ҳамкорликда муваффақиятли амалиётга (Ўзбекистон Республикаси Ўзсаноатқурилишматериаллари уюшмасининг 2022 йил 11 апрелдаги 05/15-907-сон маълумотномаси), (Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг 2022 йил 20 апрелдаги 4/4/32-1111-сон маълумотномаси) жорий қилинган. Натижада ёнғиндан ҳимояланган қурилиш материалларининг ёнувчанлик гуруҳи (Ё3) ёнувчан гуруҳидан қийин ёнувчи (Ё1) гуруҳига ўтказилишига эришилган. Шунингдек, АДЖ-12 маркали антипирендан фойдаланишдаги иқтисодий самарадорлик 19190 сўм/кг ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 2 та ихтирога патент,

4 та хорижий журналларда, 11 та Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг техника фанлари доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 22 таси халқаро ва республика миқёсидаги анжуманлар тўпламлари ҳамда журналларда нашр этилган.

**Диссертация таркиби ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижалари амалиётга татбиқ этилиши ва нашр этилган ишлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Фосфор, олтингугурт ва металл сақлаган полимер боғловчиларни яратишнинг замонавий усуллари ва қўлланилиши”** деб номланган биринчи бобида ёнғинбардош антипиренлар олишнинг долзарблиги, полимер, ёғоч қурилиш материаллари ва буюмларнинг ёнувчанлигини камайтириш ва ёнғиндан химоя қилиш усуллари, турли таъсирларга барқарор бетон ишлаб чиқаришнинг долзарблиги ва қўллаш соҳалари, ёнғин ва радиациядан химояловчи олтингугурт таркибли боғловчилар асосидаги бетон қурилиш материалларини тузилиши ва хусусиятлари бўйича илмий асосланган таҳлиллари келтирилган.

Диссертациянинг **“Таркибида фосфор, олтингугурт ва металл сақлаган олигомер антипирен таркибларни яратиш ва физик–кимёвий хассаларни ўрганиш”** деб номланган иккинчи бобида полифункционал олигомер антипиренларни олиш учун қўлланиладиган модда ва материаллар, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, қўлланилиш жабҳалари, шунингдек синов жараёнида қўлланиладиган полимер, ёғоч материаллари ва уларнинг ёниш жараёнига таъсир қилувчи асосий омиллар, тадқиқотлар давомида қўлланиладиган физик-механик ва теплофизик усуллар, синов тажрибаларида қўлланиладиган лаборатория қурилмалари ҳамда уларнинг ишлаш принципи ва синов тажрибаларини ўтказиш тартиби ва таҳлили берилган.

Маълумки, ҳозирги вақтда экологик тоза, арзон, иқтисодий самарадор ва маҳаллий хомашёлар асосидаги антипирен таркибларни яратиш ва уларни бино ва иншоотларда қўлланиладиган материал ва конструкцияларда ишлатиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг билан бирга олган ҳолда таркибида фосфор, азот ва металл сақлаган АДЖ-12 маркали полифункционал олигомер антипиренлар синтез қилинди, синтез қилиш жараёни қуйидагича амалга оширилди.

250 мл ҳажмдаги стаканга 10 г ортофосфор кислотаси, 5 г зола аралашмаси (рух оксиди, магний оксиди, алюминий оксиди ва кремний оксиди)

солиниб, бир хил жинсга келгунча аралаштирилди. Доимий аралаштириш билан 15 г цианур кислотасининг сувли эритмаси кўшилади, сўнгра ҳосил бўлган массага 2 г борат кислотаси, 1,5 г эпихлорогидрин кўшилди. Қоришма 30 дақиқа давомида аралаштирилди. Кейин доимий аралаштириш билан реакция аралашмаси 100-110 °С ҳароратгача қиздирилади ва 1,5 соат давомида ушлаб турилди. Сўнгра маҳсулот хона ҳароратига қадар совутилади. Синтез қилинган антипиреннинг рН-7 муҳитидаги чиқиши 94% ни ташкил қилади. Металл таркибли АДж-12 олигомер антипиренининг чиқишига ҳарорат, таркиблар нисбати ва вақт шунингдек катализатордан фойдаланиш таъсир қилиши ўрганилди. Таклиф этилаётган АДж-12 маркадаги олигомер антипиренларни (1-жадвал), оптимал шароитда (Т=100 °С, τ= 1,5 соат) олигомер бирикмаларидаги юқори унум ортофосфор кислотаси ва кул (зола уннос) аралашмаси, цианур кислота, бор кислотаси, эпихлорогидрин 1-1:0,5:1,5:0,5:0,5 нисбатида бир жинсли дисперс аралашма олинади. Бунда антипирен унуми 94% ни ташкил этади.

1-жадвал

**АДж-12 маркадаги олигомернинг физик-кимёвий хусусиятлари**

№	Хоссалари	Кўрсаткичлари
1.	Ташқи кўриниши	Сариқдан жигарранггача бўлган қуюқ, қовушқоқ модда
2.	Муҳити рН	7
3.	Зичлик (25°С), г/см <sup>3</sup>	1,1
4.	Чиқиш, %	94
5.	Эрувчанлик	Сувда эрийди

Шунингдек, таркибида фосфор ва металл сақлаган АДж-12, АДж-13, АДж-14, АДж-15 ва АДж-16 маркали олигомер антипирен таркибларни яратиш ва физик-кимёвий хоссаларни тадқиқ этиш бўйича тадқиқот ишлари ёритилишига эришилган.

Олтингурут асосидаги бетонларни олишда уларни оловбардошлигини ошириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида юқорида синтез қилинган АДж-14 олигомер антипирени ёрдамида В1 ва В2 маркадаги олтингурут таркибли боғловчилар асосидаги модификаторлар яратилган ва улар асосида бетонларни теплофизик хоссаларини ошириш мақсадида янги таркиблар ишлаб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвал

**В1 маркали олтингурут таркибли боғловчилар асосидаги бетонлар учун модификатор**

Т/р	Таркиб номи	Миқдори, %
1	АДж-14 маркали олигомер антипирен	10
2	Алюминий гидроксид	55
3	Кремний оксид	20
4	Цианур кислота асосидаги аддукт (цианур кислота, мочевино ва аммофос)	15

В1 маркали модификаторни олиш жараёнида ҳарорат, вақт ҳамда бошланғич таркибларни нисбатлари ўрганилди. Натижада олтингурут сақлаган

боғловчилар асосидаги бетонлар учун самарадор таркибларни оптимал нисбатлари ва уларни олишнинг вақт ҳамда ҳароратга боғлиқлик нисбати аниқланди. Олинган В1 маркали модификаторларнинг физик-кимёвий хоссалари ГОСТ ва кимёвий таркибларни аниқлаш услублари асосида аниқланди(3-жадвал).

3-жадвал

**В1 маркали модификаторнинг физик-кимёвий хоссалари**

<b>Т/р</b>	<b>Кўрсаткичларнинг номланиши</b>	<b>В1 маркали модификатор</b>
1.	Ташқи кўриниши	Оқ сарғиш рангли куқун
2.	Муҳити, рН	7,5
3.	Зичлиги, г/см <sup>3</sup>	2,38
4.	Юмшаш ҳарорати	260
5.	Эрувчанлиги	22°С да 2-3%

Диссертация ишининг “Таркибида фосфор, олтингурут ва металл сақлаган олигомер антипиренларни қурилиш материаллари билан модификациялашнинг оптимал шароитлари ҳамда уларнинг физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш” деб номланган учинчи бобида АДж-12, АДж-13 ва АДж-14 маркали олигомер антипиренлари ёрдамида ёғоч материалларини модификациялашнинг оптимал шароитлари ҳамда уларнинг теплофизик хоссалари тадқиқ этилган.

Маълумки антипиренлар ҳимояланиладиган материални ёниши ва туташига тўсқинлик қилиши, металл қисмларида коррозияни чақирмаслиги, узоқ муддатли таъсирга эга бўлиши, ёғочнинг гигроскопиклик хоссасини оширмаслиги, инсонлар ва ҳайвонлар соғлиги учун зарарли бўлмаслиги, ёғочга суртилган лок-бўёқ қопламасига салбий таъсир кўрсатмайдиган бўлиши, шимдириладиган материалнинг биочидамлигини таъминлаши, материалга механик ишлов берганда қийинчилик туғдирмайдиган бўлиши, шимдириладиган материал хоссаларига таъсир этмаслиги ва танқис бўлмаслиги каби асосий талабларга жавоб бериши зарурлигини инобатга олган ҳолда, қўлланиладиган антипирен моддасини 22, 30 ва 40 °С ҳароратдаги сувда эритилиб сўнгра уларни турли ишлов бериш усуллари бўйича оптимал таркибдаги самарадорлик даражалари ўрганилди.

АДж-12, АДж-13 ва АДж-14 антипиренлари билан ишлов берилган ёғоч материалларининг ёнувчанлик гуруҳи ГОСТ 12.1.044-89 талаблари асосида қийин ёнувчи ва ёнувчи қаттиқ мода ва материаллар гуруҳи усулида тажриба йўли билан аниқланди. Ёғоч материали бўйича қийин ёнувчи ва ёнувчан қаттиқ мода ва материаллар гуруҳини тажриба усулида аниқлаш натижалари 4-жадвалда келтирилган. Ўтказилган тажриба натижаларида қўлланиладиган антипиреннинг самарадорлик даражасини антипиренни иқтисод қилиш хисобига уни сувда эрувчанлик кўрсаткичи орқали аниқланди. Олиб борилган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, 22°С ҳароратдаги сувда эритилган АДж-12 маркали олигомер антипирен билан ишлов берилган ёғоч материаллари 20% антипирен миқдорига эга бўлганда Ё1 гуруҳга мансуб бўлди,

шу кўрсаткич 30<sup>0</sup>С ҳароратдаги сувда эритилган АДЖ-12 марка антипирен билан ишлов берилган ёғоч материалларида 15% да, 40<sup>0</sup>С ҳароратдаги сувда эритилган АДЖ-12 марка антипирен билан ишлов берилган ёғоч материалларида эса бу кўрсаткич 10% антипирен аралашмасида маълум бўлди.

**4-жадвал**

**Арча ёғочи бўйича қийин ёнувчи ва ёнувчан қаттиқ мода ва материаллар гуруҳини тажриба усулида аниқлаш натижалари**

Тартиб рақами	Таъсир этилган антипирен миқдори, %	Газ ҳолатидаги ёниш маҳсулотларининг максимал ҳарорати, °С	Максимал ҳароратга етиб келиш вақти, сек	Намунанинг оғирлиги, гр		Намунанинг масса йўқотиши, %	Ёнувчанлик гуруҳи
				тажрибагача	тажрибадан кейин		
Эталон намуна	0	435	95	159,1	49,5	68,9	Ё3
22 <sup>0</sup> С ҳарорат сувда эритилган АДЖ-12 марка антипирен билан ишлов берилган ёғоч материаллари							
1	5	298	108	146,1	122,3	17	Ё 2
2	10	260	110	159,3	137,8	13,5	Ё 2
3	15	247	115	152,1	133,7	12,09	Ё 2
4	20	211	120	146,4	132,7	9,35	Ё 1
5	25	191	120	151,2	139,9	7,47	Ё 1
30 <sup>0</sup> С ҳарорат сувда эритилган АДЖ-12 марка антипирен билан ишлов берилган ёғоч материаллари							
1	5	298	114	166,3	146,2	12,08	Ё 2
2	10	266	116	164,7	147,4	10,5	Ё 2
3	15	219	120	163,8	149,1	8,97	Ё 1
4	20	189	120	150,4	137,1	8,84	Ё 1
5	25	180	120	159,3	147,8	7,22	Ё 1
40 <sup>0</sup> С ҳарорат сувда эритилган АДЖ-12 марка антипирен билан ишлов берилган ёғоч материаллари							
1	5	247	115	164,4	145,6	11,4	Ё 2
2	10	235	120	164,4	149,6	9	Ё 1
3	15	186	120	162,1	149	8,1	Ё 1
4	20	169	120	157,6	145,4	7,74	Ё 1
5	25	151	120	151,2	139,9	7,47	Ё 1

Олтингугурт таркибли боғловчилар асосидаги бетон материалларни оловбардошлигини ошириш учун В-1 ва В2 маркали модификаторлар билан

модификациялашнинг оптимал шароитлари ҳамда уларнинг физик-механик хусусиятлари тадқиқ этилди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида инновацияларнинг қиймати ва иқтисодий самарадорлиги улардан фойдаланиш натижасида бир вақтнинг ўзида ҳал қилиш мумкин бўлганда ортиши аниқланди. Олтингургрт таркибли боғловчилар асосидаги бетонлар ўзининг кичик сув шимувчанлиги ва сув ўтказувчанлиги, қисқа муддатларда ўз шаклини сақлаши ва мустаҳкамликка эришиши, коррозияга юқори чидамлилиги билан оддий оғир бетонлардан ажралиб туради.

Олтингургрт таркибли боғловчилар асосидаги бетонларни тайёрлаш технологияси куйидагича амалга оширилади: йириклиги 5 мм бўлган қум, 5-40 мм йирикликдаги чақиқтош, керакли миқдордаги олтингургрт ва В1 ва В2 маркадаги модификатор солиниб, 120-140 °С хароратда қиздирилади, зарур шакл берилади, тахминан 40 °С хароратда совутилади ва шаклдан ечилиб, хона хароратида совутилади. Олтингургрт таркибли боғловчилар асосидаги тайёрланган бетонларнинг таркиби 5–жадвалда келтирилган.

5–жадвал

**Олтингургрт таркибли боғловчилар асосидаги тайёрланган бетонларнинг оптимал таркиби**

Т/р	Таркиблар	Намуналар таркиби, %			
		Эталон	В1 марка модификатор асосидаги бетон	В2 марка модификатор асосидаги бетон	Анъанавий модификатор асосидаги бетон
1.	Чақиқтош	40	35	37	35
2.	Олтингургрт	30	30	30	30
3.	Қум	30	25	25	25
4.	В1 маркали модификатор	-	10	-	-
5.	В2 маркали модификатор	-	-	8	-
6.	Пирилак	-	-	-	10


Олтингургрт таркибли боғловчилар асосидаги бетонларнинг физик-механик хоссаларини аниқлашда оптимал таркибли ёнувчанликни камайтирувчи моддалар миқдори аниқланди ва таркиб куйидагича танланди (6–жадвал).

6–жадвал

**В1 маркадаги олтингургрт таркибли боғловчилар асосидаги тайёрланган бетонларнинг оптимал таркиби**

Т/р	Таркиблар номи	Эталон	Таркиб В1		
			1	2	3
1.	Чақиқтош	40	40	35	30
2.	Қум	30	25	25	25
3.	Олтингургрт	30	30	30	30
4.	В1 маркали модификатор	0	5	10	15



Танланган таркиблар бўйича В1 модификаторининг оптимал миқдорини аниқлаш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида уларнинг физик-механик, кимёвий ва теплофизик хоссалари аниқланди.



**1-расм. V1 маркали модификатор билан олтингургурт таркибли боғловчилар асосидаги бетонларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари**

Ёнувчанликни камайтирувчи V1 ва V2 марка модификаторлар асосида тайёрланган олтингургурт таркибли бетонларнинг сиқилиш ва эгилишдаги мустаҳкамлик кўрсаткичлари оддий олтингургурт таркибли бетонлар мустаҳкамлигига нисбатан 3-4% камайиши кузатилди. V1 ва V2 маркали кўшимчаларнинг олтингургурт таркибли бетонлар мустаҳкамлигини таъминлаш вақтига таъсири сезилмади, анъанавий олтингургурт таркибли бетонлар сингари 1,1 соат давомида мустаҳкамликка эришилди. V1 ва V2 маркали ёнувчанликни камайтирувчи кўшимчалар асосидаги олтингургурт таркибли бетонларни олтингургурт кислотаси ( $N_2SO_4$ ) ва аммоний сульфатга  $(NH_4)_2SO_4$  синалганда кимёвий чидамлик бўйича анъанавий олтингургурт таркибли бетонлар кимёвий чидамлигидан ўзгаришлар кузатилмади. Олтингургурт таркибли бетонларга V1 ва V2 маркали ёнувчанликни камайтирувчи оптимал миқдорда кўшимчалар кўшилиши уларнинг амалдаги меъёрий хужжатлар асосида физик-механик, кимёвий ва теплофизик хоссалари аниқланилди. V1 ва V2 оловбардошлик даражасинини камайтирувчи таркиблар асосида тайёрланган олтингургурт таркибли боғловчилар асосидаги бетонларнинг зичлиги таркибга оптимал миқдорда модификаторлар киритилиши ҳисобига тахминан 2% га камайиши ҳамда сиқилиш ва эгилишдаги мустаҳкамлик даражалари оддий олтингургурт таркибли бетонлар мустаҳкамлигига нисбатан 3-4% камайиши кузатилди.

Диссертациянинг **Олигомер антипиренлар билан модификацияланган қурилиш материалларни термик барқарорлиги, оловбардошлиги ҳамда радиациядан ҳимояловчи хусусиятларни тадқиқ этиш** деб номланган 4 бобида таркибида фосфор, олтингургурт ва металл сақлаган олигомер антипиренлар билан модификацияланган қурилиш материалларнинг термик барқарорлигини тадқиқ этилди. Олиб борилган таҳлил натижасида ТГА эгри чизиғида ҳарорат кўтарилиши билан №V1 маркали олтингургурт таркибли бетоннинг 181°C дан 450 °C ҳароратда вазн йўқотиши 10,7 мг ташкил этиб, умумий массага эга бўлган композитни 50% қисми деструкцияланиши кузатилди.



**2-расм. V1 маркали олтингугурт таркибли бетон композитларни термик барқарорлиги: А-V1 маркали бетон композитларни ТГ, ҳарорат ва ДТА анализларни умумий таҳлили; Б-V1 маркали бетон композитларни термик анализларнинг бутун тафсилоти бўйича таҳлили.**


Ушбу композит 830 °C ҳароратгача қиздирилганда 82 дақиқа давомида 6,4 мг масса йўқотди ва ушбу кўрсаткич умумий массанинг 59,8% ни ташкил этди. Термик жараёнларни кузатиб бориш натижасида асосий вазн йўқотиш содир бўлган ҳароратларда экзотермик таъсирлар ҳам аниқланди, яъни (ДТА) жараён 9,13 дақиқада 102,5 °C ҳароратгача кўтарилиши, 9,57 дақиқада 106,74 °C ҳароратгача кўтарилиши, 11,10 дақиқада 121,33 °C ҳароратгача кўтарилиши, 27,53 дақиқада 284,11 °C ҳароратгача кўтарилиши, 30,33 дақиқада 312,19 °C ҳароратгача кўтарилиши, 46,43 дақиқада 471,71 °C ҳароратгача кўтарилиши ҳамда 67,93 дақиқада 682,51 °C ҳароратгача кўтарилиши сингари олтига иссиқлик ютилиши билан борадиган эндотермик ҳолат мавжудлиги аниқланди. Бундан ташқари 50,72 дақиқада 512,78 °C ҳарорат, 57,07 дақиқада 577,27 °C ҳарорат ҳамда 64,43 дақиқада 649,37 °C ҳароратларда учта иссиқлик чиқиши билан борадиган экзотермик ҳолатлар аниқланди. (2-расм А-Б) ТГА эгри чизиғида ҳарорат кўтарилиши билан №V2 маркали олтингугурт таркибли бетонни вазн йўқотиши 50 °C дан 910 °C ҳароратда 1,95 мг бўлиб, умумий массага эга бўлган композит 0,47 дақиқада 30 °C ҳароратга кўтарилди ва 36,63 дақиқада ҳарорат 381,07 °C гача кўтарилиб вазн йўқотиш (0,422мг) умумий вазни 22,51% қисмини деструкцияланиши кузатилди. Кийинги босқичда 89,87 дақиқада композит ҳарорати 901,64 °C гача кўтарилди ва (0,265мг) 14,141% вазн йўқотилганлиги аниқланди. Шундай қилиб вазннинг умумий йўқотилиши 36,35 % ни ташкил қилди. Ушбу композитда 90 дақиқа давомида 901,64 °C ҳароратгача термик жараёнларни кузатиб бориш натижасида асосий вазн йўқотиш содир бўлган ҳароратларда экзотермик таъсир мавжуд бўлиб (ДТА) жараён 22,95 дақиқада 244,78 °C ҳароратгача кўтарилиб битта иссиқлик чиқиши билан борадиган экзотермик ҳолат аниқланди. Бундан ташқари 61,10 дақиқада 621,01 °C ҳароратда иссиқлик ютилиш жараёни бошланганлиги ва 73 дақиқада 740,82 °C ҳароратда иссиқлик ютилиши жараёни яқунланган бўлиб битта эндотермик ҳолат 692,48 °C ҳароратда 68,42 дақиқада аниқланган(3-расм. А-Б).



3.	АДж-13	10
4.	АДж-14	16
<b>Терак ёғочи</b>		
1.	Эталон намунаси	23
2.	АДж-12	16
3.	АДж-13	13
4.	АДж-14	18

7-жадвалдан маълумки, ишлов берилмаган қарағай ва терак ёғочларининг оловни тарқалиш индекс кўрсаткичи турлича бўлиб, улар юзаси бўйлаб тез аланга тарқаладиган гуруҳга мансуб эканлиги ўрганилди. Қарағай ёғочиди ташқи иссиқлик оқимининг зичлиги терак ёғочди ташқи иссиқлик оқимининг зичлигиан катта бўлганлиги сабабли барча турдаги антипиренлар билан ишлов берилган ёғоч материаллари юзаси бўйлаб секин аланга тарқаладиган гуруҳга мансуб эканлиги кузатилди. Диссертация ишида олигомер антипиренлар билан модификацияланган ёғоч ва полимер материалларнинг тутун ҳосил қилиш ва кислородли индексини ёнғин шароитидаги муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган тутун ҳосил қилиш коэффиценти ГОСТ 12.1.044-89 га мувофиқ текширилди. ГОСТ талаблари бўйича қарағай ёғочи учун тутун ҳосил қилиш коэффиценти ўртача 50 кг/м<sup>2</sup> га тенг бўлиб, у кичик-Т1 ўртача ёки Т2-туташ хусусиятига эга бўлади. Лекин, тутаб ёниш вақти  $Dm=600$  м<sup>2</sup>/кг бўлиб, тутаб ёнаётган ёғочни юқори туташ хусусияти Т3 туркумига киритиш мумкин.

Таркибида фосфор, азот ва металл сақлаган оптимал таркибли АДж-12, АДж-13 ва АДж-14 олигомер антипиренлари билан ишлов берилган ёғоч материаллари ва республикамызда ёғоч материалларини ҳимоялашда кенг қўлланиладиган Пирилакс ва Огракс ПД-1 антипиренлари билан ишлов берилган ёғоч материалларининг туташ хусусияти бўйича олинган натижалар келтирилган. Тутун ҳосил қилиш хусусиятини ўрганиш бўйича ўтказилган текширувлари натижалари шуни кўрсатдики, таркибида фосфор, олтингугурт ва металл сақлаган антипиренлар билан ишлов берилган ёғоч материаллари нафақат уларнинг ёнғин шароитига чидамлилиқ даражасига балки тутун ҳосил қилиш коэффиценти ҳам кескин таъсир қилиб, унинг тутун ҳосил қилиш коэффиценти бўйича Т3 дан Т2 гуруҳига ўтганлиги намоён бўлди. Туташ хусусияти бўйича текширув натижалари 4-расмда келтирилган.



4-расм. Ёғочнинг туташ хусусияти бўйича текширув натижалари диаграммаси

Ишлов бериш усулларига (чўтка билан, босим остида ва пуркаш йўли билан ишлов берилган) кислородли индекс кўрсаткичини боғлиқлиги 15% оптимал таркибли АДЖ-14 олигомер антипирени билан ўрганилди ва қуйидаги 8-жадвалда кўрсатилган натижалар олинди. 15% оптимал миқдордаги турли хил усуллар билан АДЖ-14 марка антипирени билан ишлов берилган ёғоч материалларининг кислород индекси бўйича олинган натижалар шуни кўрсатадики, эталон намунага қараганда ишлов берилган намуналарининг кислород индексига нисбатан 50% га ошганлигини кўрсатди.

8-жадвал


**АДЖ-14 марка антипирен билан турли усулларда ишлов берилган ёғоч материалларининг кислород индекс кўрсаткичлари**

Т/р	Намунанинг номи	Намунанинг ўлчамлари, мм			КИ, %
		эни	қалинлиги	узунлиги	
1.	Эталон намунаси	10	8	70	18,5
2.	15% антипирен чўтка билан ишлов берилган	10	8	70	24
3.	10% антипирен босим остида ишлов берилган	10	8	70	36
4.	15% антипирен пуркаш йўли билан ишлов берилган	10	8	70	27

Шундай қилиб, олинган натижалар шуни кўрсатадики, АДЖ-14 марка антипирени билан ёғоч материалларига ишлов бериш натижасида ёнғин шароитида уларда тутун ҳосил қилиш жараёнининг камайишини кўрсатади. Таркибида фосфор, азот ва металл сақлаган антипиренларнинг ёнғинга бардошлилиги уларнинг целлюлоза билан кимёвий таъсири натижасида ёнишнинг алангаланиш фазасидаги материалдан чиқаётган иссиқлик миқдорининг камайишига хисса қўшишидан иборат ҳисобланади. Бунда ёғоч материалларидаги мавжуд қийин ёнадиган кўмир ҳамда сақичсимон модданинг чиқиш йўллари камайиши шунингдек, газ тузилишдаги маҳсулотларни чиқиш тезлигининг пасайиши сабаб бўлади.

Маълумки, полимер материаллари халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилади. Полимерларнинг асосий камчилиги уларнинг юқори ёнғин хавфи ҳисобланади. Полимер материаллари ва улардан тайёрланган буюмларнинг ёнғин хавфи ёнувчанлик, алангаланиш, заҳарлилик, кислород индекси ва бошқа хоссалар билан белгиланади.


Дигидрофосфат аммоний, фосфор кислотаси, карбомид, диэтанолламин, ПАВ (АБСК) ва катализатор алюминий хлорид асосида синтез қилиниб олинган АДЖ-15 маркадаги ва бентонит, фосфор кислотаси ҳамда зарур миқдорда триэтанолламин қўшилиб тайёрланган АДЖ-16 маркадаги фосфор таркибли олигомер антипиренлари ПЭВП полимери таркибига оптимал таркибда киритилиб, уларнинг КИ кўрсаткичлари аниқланишига эришилди.



**5-расм. АДж-15 маркадаги олигомер антипирени нисбатининг кислородли индексга таъсир диаграммаси**

Тажриба асосида олинган маълумотларга қараганда, полиэтилен таркибига 5, 10, 15 ва 20% миқдорда АДж-15 маркали антипирен киритилганда КИ кўрсаткичининг икки баробарга ортганлиги, полипропилен таркибига киритилганда эса қиймат ундан ҳам юқори кўрсаткичга эришилганлиги маълум бўлди. АДж-16 маркали антипирен киритилган полиэтилен ва полипропилен полимерларида эса бу кўрсаткич нисбатан 25% га кичиклиги аниқланилди. АДж-15 ва АДж-16 маркадаги антипиренларни полиэтилен ва полипропилен полимерларига 20% дан юқори қийматда киритилиши у асосидаги полимер материалларининг таннархини юқори даражада ортишига ва полимер материалларининг физик-механик хоссаларига салбий таъсир этиши мумкинлиги билан тушунтирилади. Таклиф этилаётган АДж-15 ва АДж-16 маркадаги олигомер антипиренларни полимер композицияларига киритилиши уларнинг кислород индексини сезиларли даражада оширади, бу уларнинг ёнмаслигининг асосий мезони ҳисобланади. Бундан ташқари, юқоридаги маълумотлардан шуни айтиш мумкинки, ушбу маркадаги антипиренларни полистирол каби термопластик полимерларда ҳам қўллашга эришилади. Олигомер антипиренларни ишлаб чиқариш жараёни стандарт кимёвий ускуналар ёрдамида олигомер моддалар ишлаб чиқарадиган кимё саноати корхоналарида амалга оширилиши мумкин.

Диссертациянинг **“Таркибида фосфор, олтингугурт ва металл сақлаган олигомерларни яратиш, модификациялаш технологияси, техник иқтисодий самарадорлигини ишлаб чиқиш”** номли 5 бобида республикада биринчи марта полифункционал ёнғиндан ҳимояловчи олигомер моддаларни синтез қилишнинг юқори самарали ва экологик тоза усули ишлаб чиқилди. Юқорида қайд этилган фосфор таркибли бирикмалардан антипирен сифатида фойдаланиш ёғоч, полимер ва улар асосидаги қурилиш материалларини механик хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда ёнувчанлик, алангаланиш, тутун ҳосил қилиш қобилятини, заҳарлилигини камайтириш имконини берди. Олигомер антипиренларни ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган магний, рух, алюминий, кремний оксиди, цианур ва борот кислотаси, глицерин асосидаги эпихлоргидрин, фосфор кислотаси ҳосилалари каби моддалар республикада ишлаб чиқарилиш имконини берди.



**6-расм. АДж-12 олигомер антипиренини олишнинг технологик схемаси.**

**1-реактор (асосий маҳсулот тайёрлаш учун); 2- ортофосфор кислотси учун сиғим; 3-эпихлоргидрин учун сиғим; 4-кул (зол учун чиғим); 5- цианур кислота учун сиғим; 6- борат кислота учун сиғим; 7-майдалағич; 8-тайёр маҳсулот.**

Шу муносабат билан Тошкент кимё технологиялари илмий-тадқиқот институтида эпихлоргидринни фосфорли бирикмалар билан ўз-ўзидан полимерлаш орқали янги олигомерларни олиш жараёни ўрганилди. Ушбу бирикмалар гуруҳининг вакилларида бири сифатида АДж-12, АДж-13, АДж-14, АДж-15 ва АДж-16 каби ёнғиндан ҳимояловчи воситалар таркибдаги зарур моддаларни ортофосфор кислотси билан нейтраллаш натижасида олинади.

Таркибида фосфор, олтингугурт ва металл сақлаган АДж-12, АДж-13, АДж-14, АДж-15 ва АДж-16 маркали антипиренларнинг самарадорлигини баҳолаш амалдаги НПБ 251-98. “Огнезащитные составы и вещества для древесины и материалов на ее основе. Общие требования. Методы испытаний” талаблари асосида олиб борилди. Ёғоч буюмлари ва конструкцияларнинг 1 м<sup>2</sup> юзасига таркибида фосфор, азот ва металл сақлаган антипиренлар билан чўтка, пулвизатор билан ишлов бериш учун қуруқ антипирен моддаси сарфи 100 гр дан кам бўлмаганда у асосидаги конструкцияларнинг ёнғинбардошлик даражаси самарали ҳисобланди. Ёғоч ва у асосидаги материалларни ёнғиндан ҳимоялаш учун республикамизда ва хорижда жуда кўпгина таркиблар ва усуллар ишлаб чиқилган бўлиб, самарали усуллардан бири бу ёғоч материалларига антипиренлар шимдириш орқали амалга оширилади. Қўлланиладиган ёнғиндан ҳимояловчи антипирен моддаси ўз навбатида ёғочдаги термик оксидланиш, ёниш ва алангаланиш жараёнига таъсир ўтказди ва бу антипиренлар карбонизация жараёнини кучайтиради, ҳамда ёғочдаги ёнувчи маҳсулотларнинг чиқишини камайтиради. Ёғоч материалларини босим остида антипиренлар шимдириш асосида ёғочга сарфланиладиган антипирен миқдорини камайтирган ҳолда унинг ёнғинбардошлик даражаси I гуруҳга

эришилиши шу билан тушунтириладики, босим остида ҳарорат 55-60 °С гача ортиши билан ёғоч материаллари ғовакларидаги мавжуд ҳаво чиқиб кетади ва натижада ёнғин таъсирида ёғочни ёнишини таъминловчи кислород муҳити ғовакларга кириши кузатилмайди. Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, 1 м<sup>3</sup> ёғоч материалга таркибида фосфор, азот ва металл сақлаган АДж-12, АДж-13, АДж-14 маркали олигомер антипиренларни сарфи амалда қўлланиладиган анъанавий антипиренлар сарфидан кам миқдорда 60-70 кг дан кўп бўлмаган миқдорда ёғочни қийин ёнувчи материалга айлантиришга эришилди. АДж-12 маркали олигомер антипирен ёғоч материалларга чўтка билан суртиш, пуркаб сепиш ва босим остида шимдириш орқали ишлов берилганда уларнинг вақт ўтиши билан ёнғиндан ҳимоялаш самарадорлик даражаси, массасини йўқотиши ва ёнғинга бардошлиги эканлиги аниқланди (9-жадвал).

АДж-12 маргадаги олигомер антипирен моддасини ёғоч материаллари юзасига чўтка билан суртиш, пуркаб ишлов бериш ва босим остида ишлов бериш орқали уларни ёнғиндан самарадорлик даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижаларидан шу нарса маълумки, чўтка билан ишлов берилган ёғоч намуналардаги Масса йўқотилиши 3 йилдан сунг 10,5% ни ташкил этиб Ё2 ёнғинбардошлик гуруҳга мансуб бўлиши кузатилди, шу муддатда пуркаш усули билан ишлов берилган намуналарда масса йўқотилиши 9,4% ни ташкил этди. Босим остида ишлов берилган ёғоч намуналарда уларнинг ёнғинбардошлик гуруҳи ўзгармаганлиги кузатилди. Ёғоч материалларига босим остида ишлов бериш ўзининг юқори самарадорлиги билан бошқа турдаги ишлов бериш усулларида ажралиб туриши ёғочнинг ички юзасидаги ғовакларга ҳам босим таъсирида антипирен моддасини кириб бориши ва тўлдирилиши ҳисобига узоқ муддат ўз хусусиятини сақлаб қолиши исботланди.

9-жадвал

